O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... KUTUBXONASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 6-iyun • Shanba • 68 (29.029) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бугунги ҳаётни, тинчликни, барқарорликни, осойишталикни қадрлашга, ҳар қайси хонадон, маҳалла, қишлоқдаги осудалик, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз керак».

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 июнь куни Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазири шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифани қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазирининг мамлакатимизга мазкур ташрифи Ўзбекистон ва Баҳрайннинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши муштараклигидан далолат беришини қайд этди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида араб давлатлари билан муносабатлар устувор ўрин тутади. Шу маънода Баҳрайн билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Баҳрайнда ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик юксак қадрланади. Чунки юксак иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон ўз минтақасида хавфсизлик ва барқарорликнинг асосий кафолатидир. Ҳамкорлик эса фақат тинчлик ва барқарорлик шароитида ривожланади.

Ўзбекистон ва Баҳрайн ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Бу халқаро майдонда мамлакатларимиз бир-бирининг нуқтаи-назарини қўллаб-қувватлашига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, томонлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Нефть ва газни қайта ишлаш, нефть кимёси, банк-молия сектори, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик — булар ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларидир. Транспорт коммуникациялари юксак ривожлангани боис кўплаб трансмиллий корпорациялар ўзининг бош қароргоҳини Баҳрайнда очган. Мамлакатда саксондан зиёд хорижий банкнинг филиали фаолият юритади. Улар амалга ошираdиган операциялардан тушадиган даромад Баҳрайн ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизини ташкил қилади. Бу мамлакатимизга Баҳрайн билан алоқани кенгайтириш орқали йирик фирма ва компаниялар, банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Баҳрайн гуманитар соҳада ҳам улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимиз олимлари, маданият ва санъат намояндалари, спортчилар ўртасидаги алоқалар халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа Ўзбекистонга ташрифи асносида қатор вазирлик ва идораларда музокара ўтказиб, ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашганини мамнуният билан таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## Кампирровот сув омборида янги электростанция — «Андижон ГЭС-2» қурилиши жадал суръатда давом этмоқда



Бу иншоот бунёд этилгач, бир кеча-кундузда 1 миллион 200 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, «Андижон ГЭС-2» нафақат аграр секторни арзон энергия билан таъминлаш, балки сувдан янада тежамли фойдаланиш имконини ҳам беради.

***Суратларда:*** *янги электростанция қурилишидан лавҳа; жамият раиси Акмал Қосимбеков ва 2-бирлашган қурилиш дирекцияси техник назоратчиси Камолхон Жалолов иш режаларини муҳокама қилмоқда; 2-қурилиш-монтаж ҳиссадорлик жамияти бошқармаси ишчиси Султонбек Тешабоев.*

**Шуҳрат Олимов (ЎзА) олган суратлар**





## ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

**Сурхондарё вилоятида огоҳликни таъминлаш ва жамоатчилик фаоллигини янада ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, маънавият тарғибот бўлими ва сиёсий партиялар раҳбарлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари шаҳар, туман бўлими, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари, халқ таълими бўлими мудирлари, касб-ҳунар коллежлари директорлари, имом-хатиблар иштирок этди.**

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Талъат Сатторов, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Эркин Кўчкинов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимизнинг бой маданий-маънавий меросини ўрганиш ва ёшлар онгига чуқур сингдириш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини таъкидладилар. Қайта таъмирланиб, кўркам қиёфа касб этаётган тарихий обидалар маҳаллий зиёратчилар ва хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятидаги Исо Термизий мақбараси, Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат мажмуалари ва қатор муқаддас зиёратгоҳлар обод манзилларга айлантирилди.

Замонавий усулда барпо этилган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг юқори педагогик технологиялар асосида билим олиши, касб эгаллаши учун барча қулайликлар яратилди. Шу билан бирга, диний таълим ҳам ривожланмоқда. Айни пайтда Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти ва ўнга яқин мадрасада ёшлар диний ва дунёвий фанларни чуқур ўрганмоқда. Бироқ, жойларда айрим қабиҳ ниятли кимсалар томонидан дин ниқоби остида ёшларни чалғитиш ва нотўғри йўлга бошлаш билан боғлиқ ҳолатларга дуч келинаётгани ҳам сир эмас.

Бош Қомусимизда ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги кафолати ўз аксини топган. Республикамизда ўндан ортиқ диний конфессия фаолият кўрсатаётгани бунга далилдир. Бироқ бугунги кунда терроризм, диний экстремизмга қарши курашиш ва ёшларни турли зарарли оқим ҳамда ғоялар таъсиридан асраш долзарблик касб этмоқда. Келажагимиз эгаларини ҳар тарафлама баркамол вояга етказиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан бирга кенг жамоатчилик зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Глобаллашув ва мафкуравий хуружлар жараёни кечаётган ҳозирги шароитда фарзандлар тарбиясига лоқайд қараш кечириб бўлмас ҳолдир. !

Йиғилишда ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Жўраев сўзга чиқди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири**

### Эътироф

***Москва шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида "Йилнинг энг яхши аэропорти" танловига якун ясалди. Унда элликка яқин даъвогарлар орасида Бухоро халқаро аэропорти ғолиб, деб топилди.***

## БУХОРО АЭРОПОРТИ – ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Бухоро халқаро аэропортида электрон чипталар жорий қилингани, аэропорт мустаҳкам моддий-техника базасига эгалиги, жумладан, самолётлар тўхташ жойлари таъмирланиб, уларнинг сони кўпайтирилгани, учиш-қўниш майдонларини чанг ва қордан тозалашда янги технологиялар қўлланилиши, йўловчиларга хизмат кўрсатиш турлари ҳамда сифати ошгани танлов ҳакамлар ҳайъатининг эътиборига сазовор бўлди.

Бухоро аэропортининг иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Рентабеллик даражаси 29,3 фоиздан 32,6 фоизга ўсди. «Атлант союз», «Трансаэро», «Московия» каби саккизта халқаро авиакомпания билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ҳам барча талабларга жавоб беради. Бухоро аэропорти ўтган йили 84 минг йўловчига хизмат кўрсатди. Бу ерда, шунингдек, чартер рейслар сони ҳам кўпаймоқда.

**Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири**

### ЎзХДП ҳаёти

## ЭНГ АСОСИЙ МАҚСАД

### электорат ижтимоий манфаатларини ҳимоялашдир



Газетамизнинг аввалги сонида хабар берганимиздек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ва партия ташкилотларининг электорат манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлари самарадорлигини ошириш вазифалари» мавзуига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари ҳамда Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва пойтахтимиздаги туман, шаҳар кенгашлари етакчилари иштирокида масаланинг турли жиҳатлари муҳокама этилди. Бугун эътиборингизга семинарда билдирилган айрим фикр-мулоҳазаларни ҳавола этмоқдамиз.

*(Давоми 2-бетда)*

## ! КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда республикада вояга етмаганларни оммавий спортга жалб қилиш, уларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини юксалтириш ҳамда бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, 6,2 млн. нафар мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи болаларнинг 35 фоизи мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб келмоқда. Ўтган йилда республикада 422 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 336 та спорт иншоотлари янгидан қурилган, 287 таси капитал таъмирланган, 128 таси реконструкция қилинган. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида охирги икки йилда 5600 тадан зиёд оммавий тадбирлар ўтказилиб, уларга 1,2 млн. нафар вояга етмаганлар жалб этилган. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жойлардаги ҳудудий комиссиялар ва тегишли муассасалар томонидан камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам бор гап. Йиғилишда шундай ҳолатлар танқид остига олиниб, уларни бартараф этиш ва бу борада фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Йиғилишни комиссия раиси, Бош прокурор Р.Қодиров олиб борди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.**

### Хушхабар

## ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ УКРАИНАДАГИ ЗАФАРИ

**Киев шаҳрида футбол бўйича болалар ўртасида ўтказилган халқаро турнир «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси футбол академияси тарбияланувчилари ғалабаси билан якунланди.**

1996 йилда туғилган болалардан таркиб топган «Пахтакор» барча учрашувларда ғалаба қозонди. Дилшод Нуралиев шогирдлари дастлабки ўйинда Киев шаҳри терма жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Голлардан иккитаси Баҳодир Даминов ҳисобига ёзилган бўлса, Музаффар Исмоилов ва Алишер Мирзаев биттадан тўп киритди.

Иккинчи ўйинда мезбонларнинг яна бир жамоаси — «Старт» футболчилари ҳамюртларимизга жиддий қаршилик кўрсатди. Мустаҳкам ҳимоя ва тезкор ҳужум тактикасида тўп сурган ёш пахтакорчилар Беҳзод Мирзамуродовнинг голи эвазига зафар қучди — 1:0.

"Пахтакор" тарбияланувчилари Киевдаги 15-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вакилларига қарши ўтказилган баҳсда ҳужумкор ўйин кўрсатиб, рақиб жамоани 5:2 ҳисобида доғда қолдирди. Азиз Шарофов, Равшан Хурсанов, Беҳзод Мирзамуродов, Ойбек Эркинов ва Алишер Мирзаев томонидан киритилган голлар учинчи ғалаба ва финал йўлланмасини таъминлади.

Ҳал қилувчи ўйинда футболчиларимиз Украинанинг энг кучли жамоаси — «Динамо» (Киев) футбол мактаби тарбияланувчиларига қарши майдонга чиқди. Равшанбек Хурсановнинг икки голи эвазига 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган ёш пахтакорчилар халқаро турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Маънавий мерос
• МАҚОМЛАР МАҚОМИ 2

• РАВОН ЙЎЛЛАР – ЮРТ ЧИРОЙИ 3



• МУМТОЗ САНЪАТ ОБИДАСИ 4



# ЭНГ АСОСИЙ МАҚСАД

## электорат ижтимоий манфаатларини ҳимоялашдир

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз кечаётгани, унинг мамлакатимизга ҳам муайян таъсир кўрсатишини инобатга олсак, мафкуравий ишларимизга талаб ҳам, масъулият ҳам ортади. Тарғибот-ташвиқот ишлари тўғрисидаги масалалар яқинда бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотларимиз ҳисобот-сайлов йиғилишлари, Марказий Кенгаш ва минтақавий партия кенгашлари пленумларида таҳлил қилинди, камчиликлар кўрсатилиб, вазифалар белгиланди. Тизимли равишда ўтаётган сиёсий ва фуқаролик маърифати семинарларида ҳам фаоллар, тарғиботчилар иштирокида мафкуравий соҳанинг долзарб масалалари мунтазам муҳокама этилмоқда. Мафкуравий ишларни ташкил этишнинг марказига айланиб бораётган Ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Аммо партиямиз барча тузилмаларининг мафкуравий ишлари қониқарли, тарғибот-ташвиқот ўйлаганимиздек самарали бўляпти, дея олмаймиз.

Очиғини айтганда, биз доимо электорат орасида ишлаш тўғрисида гапирамиз-у, бу борадаги ишларимиз барча жойларда ҳам замон талаблари даражасида олиб борилаяпти, деган саволга жавоб топишда қийналамиз.

Бу ҳолнинг асосий сабаби шуки, бизнинг электорат ҳақидаги тасаввуримиз бўлгани билан, унинг таркиби, қатламлари, сиёсий мойиллигини ўрганиш ва ишни шунга қараб ташкил этиш имкониятларидан етарли фойдаланмаяпмиз. Бу соҳада минтақавий ва маҳаллий кенгашларимиз ўз фаолиятини такомиллаштириши лозим.

Партиямизнинг барча тузилмалари, матбуот органларининг мафкуравий фаолияти электорат билан бевосита ишлашга қаратилиши керак.

Бугун Ўзбекистон ХДПнинг иккита марказий ва 5 та маҳаллий газетаси ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида нашр этилмоқда. Бу газеталарнинг, дастурий мақсадларимизни электорат, жамоатчиликка етказиш билан бирга, жойлардаги тарғиботчи ва ташвиқотчиларимизга керакли материаллар манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун ушбу нашрлар обунаси масалаларига жиддий ёндашиш талаб этилмоқда. 2010 йил учун обунанинг июль ойида бошланишини эслатиб ўтмоқчиман. Нима бўлганда ҳам қўлимизда матбуотдай кучли восита борлигини унутмайлик.

**Улуғбек ВАФОЕВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларимизга назар ташласак, ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам оз эмаслигини кўрамиз. Шундан келиб чиқиб, партиямиз олдида турган ўта долзарб масалалар ечимини топишга ҳаракат қилмоғимиз керак. Бу биринчи навбатда электоратимиз манфаатларини бевосита ҳимоя қилишдаги фаолиятимизни кучайтиришни талаб этади.

Бугун 2004-2009 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракат дастуримизда белгиланган вазифаларнинг қай даражада ҳаётга татбиқ этилганини таҳлил этиш, партиямиз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларига аниқ таклифлар бериш муҳим вазифаларимиздан биридир. Бунда энг аввало, бошланғич ташкилотлар ва улар етакчиларининг ишини чуқур таҳлил этиш зарур.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган минтақавий семинарларда давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажаришда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг иштирокини кучайтириш масалалари муҳокамаларнинг асосий марказида бўлади. Бу эса партия кенгашлари, депутатлик бирлашмалари ҳамда партия сиёсатини жойларда бевосита юритувчи энг муҳим бўғин — бошланғич ташкилотлардан фаоллик, ташаббускорликни талаб этади.

Шунинг билан бирга, туман, шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари конференцияларида ушбу масала бош мавзу бўлиши зарур.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, партия сайланма органларида ёшлар ва хотин-қизлар иштирокини кучайтириш ҳам тобора долзарблик касб этаяпти. Чунки бу партиямиз кадрлар сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

**Ҳамидулла НАЗАРОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ҳаммамизга маълум, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Булардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдир. Аҳоли бандлиги ва ижтимоий масалалар бўйича ишларимиз самарадорлигини янада яхшилаш, ушбу жараёнлардаги иштирокимизни кучайтириш зарур.

«Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган ижтимоий устуворликлар ижросининг жойларда таъминланиши партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан масъулият ва ташаббускорликни талаб қилмоқда. Юқоридаги ҳужжатлар бўйича мониторинг олиб бориш ва бажариш муддати ўтиб кетган бандлар бўйича вилоят, туман, шаҳар партия кенгашлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмалари билан биргаликда сессиялар кун тартибига масалалар олиб чиқишлари ҳамда улар юзасидан қарор қабул қилиниши, ижро этилишига эришишлари лозим.

Электорат манфаатларини таъминлашда партия ташкилотларимиздаги Жамоатчилик қабулхоналари, Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари, кўчма қабуллар каби имкониятлардан ҳам самарали фойдаланиш мақсадга эришишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак...

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, Фарғона, Сурхондарё, Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари Муҳаммадали Исоқов, Ҳамро Эрматов, Абдурашид Убайдуллаев, Учқун Шоймкуловлар ҳам сўзга чиқиб, электорат манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш, бунда маҳаллий депутатларнинг ролини кучайтириш механизмлари ҳақида фикрларини билдирдилар.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон Адилов ҳамда Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдукамол Раҳмонов Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 2009 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларнинг хусусиятлари ва унга тайёргарлик кўриш босқичида сиёсий партияларнинг амалга ошириши муҳим бўлган тадбирлари, аввалги сайловлар тажрибаси ва навбатдаги сайловларда улардан фойдаланиш масалалари юзасидан маъруза қилиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

**Беҳзод ШУКУРОВ, Ойбек ҚЎШБОҚОВ ёзиб олди.**



## ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

# ОДАМЛАР ИШОНЧИ

## уни оқлаш барча имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб этади, – дейишмоқда партиямиздан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари

Демократик ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши халқимизда юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулияти шаклланишида катта аҳамиятга эга. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатларнинг ҳам бу жараёнда ўз ўрни, иштироки бўлиши зарур. Бундан ташқари, партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, электорат вакилларини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Халқ депутатлари Тахиатош шаҳар Кенгашига ўтган сайловларда 27 депутат сайланди. Шундан 18 нафари Ўзбекистон ХДП аъзоларидир. Улар электорат манфаатларидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд фуқароларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

— «Чақалоқлар уйи»да тарбияланаётган болакайлар, кам таъминланган оилалар, мактабгача таълим муассасалари, мактабларда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларга ҳомийлик қилиш, ўқув қуроллари билан таъминлаш масалалари доим эътиборимизда, — дейди 14-мост отряд округидан депутат Сотиб Норимбетов. — Ёлғиз кексаларнинг уйларини таъмирлашга ҳам ёрдам кўрсатиб келаяпмиз.

Кунхўжа сайлов округидан депутат Шарапатдин Қўйбоқов ўз сайлов округидаги фуқаролардан тушган аризалар, таклифлар юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда. Унинг югуриб елиши, жон куйдириши натижасида Ҳамза, Ажиниёз, Сувсоз кўчаларидаги эскирган, ишдан чиққан газ қувурлари янгилари билан алмаштирилди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Форобий сайлов округидан сайланган Абдураим Шапиев маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда бандлик бўйича ибратли ишларни амалга ошираяпти. Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначиликни йўлга қўйиш орқали янги иш жойларини ташкил этиб, йигит-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ногирон болаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Самарқанд сайлов округидан сайланган Амет Набиев бемор нуронийлар, маҳалла фаоллари, сайловчиларнинг уйларига бориб ҳол-аҳволини сўрайди, уларнинг муаммоларини ечиш учун астойдил елиб-югуради. Сайловчиларнинг илтимослари асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда Менделеев, Халмуратов, Сейтмуратов номли кўчаларга газ қувурларини ўтказишда ёрдам кўрсатди. Транспорт воситалари юриши қийин бўлган йўллар текисланиб, янгидан асфальт ётқизишга тайёрланмоқда.

Халқобод сайлов округидан депутат Таваккал Абдухолиқов 21 нафар қаровчиси йўқ қария ва пенсионерлар, 68 беморга соғлигини тиклаши, мустаҳкамлаши учун ҳомийлик ёрдами уюштирди...

— Гуруҳ аъзолари, партия фаоллари шаҳарнинг иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, — дейди халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Дадабой Дурдиев. — Айниқса, бандлик муаммосини ҳал этиш учун меҳнат ярмаркалари уюштириш, янги иш жойларини ташкил этиш каби амалий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Очиғини айтсам, барча депутатларни ҳам бирдек фаол, дея олмайман. Баъзи ҳамкасбларимизни фақат сессияларда гина учратиб қоламиз. Ўтган давр ичида сессия кун тартибига ҳам жиддий биронта масала олиб кира олмадик. Бугун ваколатимиз тугашига жуда қисқа муддат қолган бўлса-да, электоратимиз манфаатларини амалий жиҳатдан ҳимоя қилишга ҳаракат қилаяпмиз...

Шаҳар партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси мунтазам ишлаб турибди. Депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан бу ерда электорат вакиллари, сайловчиларни мунтазам қабул қилиш йўлга қўйилган. Қабулхонага мурожаат қилган фуқароларнинг аризалари, шикоятлари назоратга олинган. Мурожаатларда кўтарилган масалалар ўз ечимини топмоқда. Натижада партиямизга ишонч ортаяпти.

Шу кунларда депутатлар «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда иштирок этмоқдалар. Айниқса, қишлоқ, овулларда истиқомат қилаётган аҳолининг манфаатларини тўлароқ ҳимоялашга йўналтирилган маҳаллий вакиллик органи даражасидаги меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, турар жойлар, йўллар ва кўприклар қурилиши, ичимлик суви, табиий газ ҳамда электр энергияси билан таъминлашни яхшилашга қаратилган ишларга ҳисса қўшмоқдалар.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## Мухбирларимиз хабар қиладилар

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Термиз шаҳридаги Маннон Уйғур номли вилоят мусиқали драма театрида ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотининг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 60 га яқин истеъдод соҳиблари беш йўналиш бўйича ўзаро беллашдилар. Эстрада йўналишида деновлик Акмалжон Акбаров биринчи ўринга лойиқ топилган бўлса, Узун туманида истиқомат қилувчи Диловар Авлоқулов мусиқа йўналишида ғолиб бўлди. Жўрабек Абдураҳимов, Нафосат Қораева ва Фарҳод Маматовлар эса мумтоз қўшиқ, рақс, опера йўналишларида ғолибликни қўлга киритишди. Энди улар Тошкентда ўтказиладиган танловда вилоят шаънини ҳимоя қилишади.

— Етти ёшимдан мусиқа соҳасида билим ола бошлаганман, — дейди Акмалжон Акбаров. — Қатор танловларда ғолиб бўлганман. Айни кунларда пойтахтда таълим олаяпман. Шу билан бир қаторда миллий чолғуларимизнинг яратилиши тарихи борасида ҳам изланишларим давом этмоқда. Мақсадим республика босқичида ғолибликни қўлга киритишдир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

# ИСТЕЪДОД МАСКАНИГА ЭЪТИБОР

Сирдарё вилоятида болалар санъат ва мусиқа мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш йўлида кўп иш қилинаяпти. Мусиқа ва санъат мактаблари мукаммал таъмирланиб, қайта жиҳозланмоқда. 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат Дастури доирасида Сирдарё вилоятидаги Боёвут тумани мусиқа мактаби ҳам замон талаблари асосида реконструкция қилинмоқда. Жами 449,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш «Давр» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бинокорларига топширилган.

— Зиммамиздаги вазифанинг 70 фоиздан ортиғи бажарилди, — дейди пудратчилар сардори Давлат Бердимуродов. — Хоналар мусиқа мактабининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таъмирланди, қўшқаватли эшиклар, қўшромли деразалар ўрнатилди. Шунингдек, мактаб учун қўшимча бино ва концерт зали ҳам қуриб бераяпмиз.

Шундай қилиб, бу йил 1 сентябрь куни боёвутлик санъатсевар ёшлар бутунлай янгиланган мактаб бағрида ўқий бошлайдилар.

**Мунаввар ПАРДАЕВ**

# «ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ»ГА ЯНГИ «ДАМАС»ЛАР

«Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида Андижон вилоятига 20 та махсус «Дамас» автомобили келтирилди.

Ушбу транспорт воситалари шаҳар ва туман тиббий бирлашмаларининг тез тиббий ёрдам бўлимларига берилди.

— Янги автомобиллар аҳолига «Тез тиббий ёрдам» кўрсатиш сифатини янада яхшилашга хизмат қилади, — дейди Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Салоҳиддин Юсупов. — Тизим моддий техника базасини мустаҳкамлашда бу муҳим ўрин тутади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

## Маънавий мерос

# МАҚОМЛАР МАҚОМИ

***Германиялик фольклоршунос олим Карл Райхес юртимизга қилган сафарларидан бирида бизнинг хонадонимизда ҳам меҳмон бўлган эди. Адабиёт ҳақидаги суҳбатимиз умуман санъат билан боғланиб кетди. Яна бироз вақт ўтгач, у мендан мақомлар ҳақида кенгроқ гапириб беришни илтимос қилди.***

Карл «мақом» сўзини европача талаффуз билан шундай жозибали айтдики, мен шу заҳоти суҳбатдошимнинг мақомлар шайдоси эканини билиб олдим. Кейинчалик ундан бу қадар қизиқиш сабабини сўраганимда у: — Шарқ мақомларини тинглаш бугунги кунда Англия (унинг рафиқаси шу мамлакатдан экан), Франция, Германия ва бошқа бир қатор Европа давлатларида мусиқа мухлисларининг энг севимли машғулотидир. Сизларнинг мақомларингиз инсон танасидаги руҳий ғуборни емирар экан, — деди. Бу фикрини тасдиқлагандек, олим бутун сафари давомида мақомлар ёзилган пластинкаларни тўплаганига гувоҳ бўлдим.

Бу воқеага бир неча йиллар бўлди. Лекин мен мақомлардан намуналарни тинглаганимда Карлни эслаш одатини чиқардим. Айни пайтда бутун Европадаги мусиқа шайдоларини ўзига ром қилган мақомларимиз ҳақида алоҳида илмий тадқиқот йўқлигидан мусиқашунос мутахассисларимиздан хафа эдим. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар» китобини қизиқиш билан ўқидим.

«Мақомлар» рисоласида мақомлар ҳақида ўнлаб йиллар давомида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг энг муҳим хулосалари ўз ифодасини топган. Китоб орқали консерваторияда таълим олувчи талаба Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда мусиқа маданияти, аждодларимизнинг мусиқага бўлган муносабати, халқ куйларининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари тарихи ҳақида чуқур илмий маълумотлар билан танишиши мумкин. Шунингдек, асрлар давомида ота-боболаримизнинг қувончли дамларида ҳам, турмуш ташвишларидан безовта бўлган пайтларида ҳам уларга руҳий қувват берган Шашмақом, Хоразм мақомлари, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд мақом йўллари юзасидан зарур тушунчалар баён этилганига гувоҳ бўламиз.

«Мақомлар»нинг ўзбек мусиқашунослиги соҳасига қўшган ҳиссасини алоҳида моддалар билан бирма-бир кўрсатиш ўта мушкул вазифа бўлса керак. Чунки Исҳоқ Ражабов ўз тадқиқоти билан мусиқашунослигимиз кўламини жуда кенг миқёсда тасаввур қилган ва ҳар бир йўналишнинг шаклланиши, ривожланиш босқичларини чуқур илмий асосда ўрганиш мақсадини ўз олдига қўйган. Масаланинг муҳим томони шундаки, олим бу мақсадни йирик мутахассис сифатида муваффақиятли бажарган. Бизнинг назаримизда, «Мақомлар»да илгари сурилган муаммоларни асосан қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Ўзбек мақомларининг тарихий илдизлари ва тараққиёт босқичлари;

Мақомлар таркибий тармоқларининг назарий асослари ва таҳлили;

Мумтоз аруз вазни ва мақом муносабати;

Халқ мусиқаси ва мақомлар;

Ўзбек мақомларининг тожик, озарбайжон, уйғур, ҳинд мусиқа санъати билан ижодий ҳамкорлиги тарихи;

Ўтмишдаги Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Маҳмуд Шерозий каби буюк алломаларнинг мусиқашунослик тарихида тутган ўрни;

Мақомлар тарихидан ўрин олган кейинги авлод вакиллари ҳақида маълумотлар.

Китоб билан танишган ўқувчи Шарқ мусиқаси, хусусан, ўзбек мақомлари назарий ва амалий жиҳатдан ижро мураккаблиги билан бўлим ва шўъбалар тақсимотига кўра ҳатто Ғарбдаги опера санъати билан рақобатлаша олишига амин бўлади. Тўғри, санъат тури ва табиатига кўра Шарқ ва Ғарб мусиқасининг ўзига хос жиҳатларини мутлақо инкор этиб бўлмайди. Лекин айни чоғда биз мақомлардаги назарий мураккабликни изоҳлаш мақсадини назарда тутамиз.

Шашмақомни асраш бўйича Траст жамғармасининг ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида таҳрир ҳайъати сифатида иштирок этган Файзулла Кароматов, Акмал Ражабов, Равшан Юнусов ва китобни нашрга тайёрлаган, махсус муҳаррирлик қилган Оқилхон Иброҳимов ўз саъй-ҳаракатлари билан ўзбек мусиқаси тарихини қайта жонлантирганлар, десак муболаға бўлмайди. Мазкур рисолада юртимиз ҳудудидаги минг йилдан ортиқ мусиқа тарихи, мусиқий алоқалар, мусиқанинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ўзининг мукаммал баёнига эга бўлган. «Мақомшунос аллома» деб аталган сўзбошининг муаллифи Оқилхон Иброҳимов Исҳоқ Ражабов ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берар экан, таниқли мусиқашунос қалбидаги мулоҳазаларни собиқ тузум сиёсати вазиятида ифодалаш учун дипломатик йўл тутганини шундай таърифлайди: «Мақомлар» номли йирик тадқиқоти қўлёзмасида мусиқанинг келиб чиқиш масаласида «Шерозий ва Жомий» товушларни Оллоҳнинг иноятиъ деб қарайдилар ва бу масалани баъзан Илоҳиятга боғлаб тушунтирадилар», Буни қарангки, Исҳоқ Ражабов шахсан товушларни «Оллоҳнинг иноятиъ деяётгани йўқ. Балки, ўз фикрларини Шерозий ва Жомий воситасида айта олишга имкон топмоқда. Ҳа, биз кўпинча устозларимизнинг илмий салоҳиятига бугунги кун назари билан баҳо берар эканмиз, уларнинг ўз фикрларини очиқ-ойдин баён қилиш имкониятлари гегемон сиёсат ақидалари билан қанчалар чегараланганлигини тасаввур қила олмаймиз. Баъзан эса бу тўсиқни ёддан чиқарамиз.

«Мақомлар» муаллифи аввало, мусиқа санъатининг ўтмишда аниқ фанлар силсиласида ўрганилганлигига урғу беради. Анъанага биноан мусиқа математика фанининг таркибий қисми ҳисобланган. Хусусан, Форобий, Ибн Сино ўзларининг фалсафа, математика, тиббиёт илмига бағишланган асарларининг айрим бобларини мусиқага бағишлаганлар. Бугунги кунда ҳам мусиқа назарияси билан шуғулланган мутахассис учун товушлар муносабатини таҳлил этиш математик тенгламалар муаммоларини ҳал этиш даражасида мураккаб эканлиги маълум. Исҳоқ Ражабов ўз тадқиқотида Ибн Синонинг математика илмини тўртга бўлганини қайд этади. Улар — арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа эди. Ўйлаймизки, бу мулоҳазалар билан олим рисоланинг дастлабки саҳифалариданоқ мусиқа илмининг оддий товушлар тизимидан иборат эмаслигини таъкидламоқчи, бу илм билан шуғулланиш масъулияти билан таништирмоқчи эди.

Муаллиф аввало, китобхон диққатини «мақом» тушунчасига қаратади. Агар мақом араб тилида «истиқомат ўрни», «турар жой» маъноларини ифодаласа, мусиқада бу сўз «товушларнинг жойлашадиган ўрни» экани маълум бўлади. Демак, «мақом» куй, оҳанг, товушларнинг муайян тартибдаги жилоси экан. Эҳтимол шунинг учун ҳам Ўрта асрларда яшаб ижод этган алломалар мақомларни ёзувга кўчиришда уд ва дойра каби асбоблардаги овоз ўрни қайси парда ёки ритм-(икоъ)дан ҳосил бўлишига қараб иш тутганлар.

Ўрта Осиёда мусиқа хазинасининг таркибини мақомлар ташкил этган. Даставвал (XIII-XV асрларда) Ўн икки мақом тизими ҳосил бўлган. Муаллиф ҳар бир мақомнинг номланиши қуйидаги тартибда эканини кўрсатади. «Улар — Ушшоқ, Наво, Буслик (Абу Салик), Рост, Ҳусайний, Ҳижоз, Раҳовий (Раҳувий), Зангула, Ироқ, Исфаҳон, Зирофканд (ёки Кучак) ва Бузург (Бузрук) мақомларидир» (91-бет). Кейинчалик мазкур мусиқа мажмуаларидан XIV-XIX асрларга келиб Шашмақом тизими ҳосил бўлган. Шашмақомга Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомлари кирадиъ (150-бет). «Ҳозирда нашр этилган китобларда мақомларнинг чолғу ва ашула қисмлари 208 дан 250 гача боради» (150-бет). Маълум бўладики, Исҳоқ Ражабовнинг рисоласи Шарқ мусиқа қадрияти моҳиятини ифодаловчи «Мақомлар»нинг шаклланишидан тортиб таркибий қисмларини ташкил қилувчи шўъбаларигача шарҳлаб бериш вазифасини тўла амалга ошира олган.

Китобнинг эътиборли жиҳатларидан яна бири мақомларнинг мумтоз адабиётимиздаги бош ўлчов — аруз вазни билан муносабатидир. Агар ўзбек мумтоз шеъриятини аруз вазнисиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмаса, мақомларнинг ашула қисмларини мумтоз шеъриятсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қадимги анъаналарга кўра ўзини зиёли деб ҳисоблаган ҳар бир шахс мусиқа санъати сиоатларидан ҳам хабардор бўлишни зарур, деб ҳисоблаган. Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар» рисоласида мумтоз адабиётимиз вакиллари ижоди муаллиф ёритмоқчи бўлган деярли ҳамма масалалар баёнидан ўрин олади. Хусусан, Жомий, Алишер Навоий, Феруз, Комил Хоразмий исмлари Шашмақом шўъбаларининг яратилишида қайта-қайта эсга олинади. Навоий илтимоси билан Жомий ёзган «Рисолаи мусиқий», Навоийнинг «Маҳбуб-ул қулуб», Комил Хоразмий ихтиро қилган нота чизиғи, Муҳаммад Раҳимхон II яратган Наво мақомидаги Сакили Ферузшоҳий, Сегоҳдаги Сакили Ферузшоҳий, Феруз каби илмий ва санъат асарлари фикримизнинг далилидир. Айниқса, Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобида қайд этилган Сегоҳ мақомига тааллуқли маълумотлар таниқли адиб фақат адабиётшунослик ва бадиий адабиёт соҳасида эмас, мусиқашуносликда ҳам етук, мукаммал мутахассис даражасида ижод қилганини кўрсатади.

Хуллас, Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар» китобини ўзбек халқи жаҳон халқлари мусиқа санъати хазинасини яратишда атоқли ва буюк фарзандлари ижоди билан муносиб ҳисса қўшганини чуқур илмий асосда исботлаган йирик тадқиқот сифатида баҳолаш мумкин.

**Омонулла МАДАЕВ, филология фанлари номзоди, доцент.**

**Бунёдкорлик**

***Кейинги йилларда Самарқандда янги йўл қуришга, автомобиль йўлларини таъмирлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Охирги икки йил давомида қадим кентда ўнлаб янги кўча ва кўприклар барпо этилди. Автомобиль йўллари халқаро талабларга тўла жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида замонавий йўлсозлик технологияларидан фойдаланилаяпти.***

# РАВОН ЙЎЛЛАР – ЮРТ ЧИРОЙИ



— Амалга оширилаётган ишларимизнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020 йилга қадар Самарқандни қайта реконструкция қилиш тўғрисида»ги қарорига кўра бажарилмоқда, — дейди «Самавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси бошлиғи Холиқул Норбеков. — 2008 йили Республика йўл жамғармаси буюртмасига кўра, қарийб 100 километрлик халқаро аҳамиятга молик йўлларга асфальт қопламалари ётқизилиб, ҳимоя воситалари ўрнатилди. Шу мақсадда қарийб 100 миллион сўмлик иш бажарилди. Шунингдек, Самарқанд вилоят хокимлиги ягона буюртмачи хизмати Инжиниринг компанияси буюртмасига кўра, шу йилнинг май ойига қадар 1 миллард 657 миллион сўм маблағ эвазига 50 километрдан зиёд ички йўлларни таъмирлаб, фойдаланишга топширдик.

Маълумки, аҳоли ва транспорт воситалари эгаларига қулайлик яратиш мақсадида янги кўчалар қурилиши кейинги пайтларда долзарб масалага айланганди. Шу боис, ўтган йили Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда, Рудакий кўчалари қайта қурилиб, ишга туширилди. Садриддин Айний кўчасида транспорт воситалари қатнови кўплиги инобатга олиниб, шаҳарга ёндош ҳудудлардан келадиган автомобиллар ҳаракати учун айланма йўл барпо этилди. Шунингдек, Самарқандга дунёнинг турли давлатларидан келаётган сайёҳларни шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари билан таништиришда қулайлик яратиш мақсадида қатор кўча ва хиёбонлар, халқа йўллар ҳам қурилаяпти. Жумладан, ўтган йили Зарафшон халқа йўли барпо этилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Қадимий кентда ўнлаб йўллар ва кўприклар барпо этишга киришганмиз. Асосий эътибор қишлоқ йўлларини таъмирлашга қаратилаяпти. Ҳозирги вақтда вилоятдаги 25 та қишлоқнинг жами 200 километрдан зиёд кўчалари қайтадан таъмирланмоқда. Бу ишлар, айниқса, Булунғур, Пастдарғом, Оқдарё туманларида жадал олиб борилмоқда. Бу ерда иш икки сменада ташкил этилган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоят бўйича қарийб 10 миллиард сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган. Жумладан, Оқдарё туманидаги Пўлат Дархон, Бош Дархон қишлоғига олиб борувчи йўлнинг 5 километрга яқини, Булунғур туманидаги Қоровултепа қишлоғининг автомобиль йўллари, Самарқанд туманининг Равонак қишлоғига борувчи автомобиль йўллари ва бошқа қатор қишлоқ йўллари таъмири талаб даражасида олиб борилмоқда.

— Жорий йилда вилоят ҳудудидан ўтувчи халқаро ва давлат аҳамиятига эга йўллар ҳам таъмирланади, — дейди корхона бош муҳандиси Шавкат Умиров. — 2008 йили Тошкент — Термиз катта Ўзбек трактининг Самарқанд тумани ҳудудидан ўтувчи 51 километрида қарийб 4 миллиард сўмлик тубдан таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Мазкур халқаро аҳамиятга эга йўлдан кунига ўнлаб давлатларнинг автомобиллари ўтишини инобатга олиб, уни жаҳон андазаларига мос тарзда кенгайтиришга киришганмиз. Йўлнинг ҳар икки тарафини қарийб 10 метрга кенгайтираяпмиз. — Айни пайтда бу ерда Тошкент кўприк қурилиш трестининг 100 нафарга яқин йўлсозлари меҳнат қилишаяпти...

Мутасаддиларнинг айтишича, бу ерда 5 миллард 763 миллион сўмлик иш бажарилган. Бундан ташқари, Республика йўл жамғармаси буюртмасига асосан 16 миллиард 184 миллион сўм маблағ эвазига Тошкент — Термиз автомагистралининг 89 километрини таъмирлаш ишлари ҳам қизғин олиб борилаяпти.

— Биз ҳозирги вақтда Самарқанд шаҳридаги «Хазора» бозори ҳудудидаги автомобиль йўлини таъмирлаяпмиз, — дейди Оқдарё туман йўллардан фойдаланиш бўлими бошлиғи Қаҳрамон Ҳасанов. — Бу ерда 50 нафарга яқин йўлсозимиз меҳнат қилмоқда. 5 километр масофадаги йўлга асфальт қопламаси ётқизиш, йўлнинг ўртасига пиёдалар хавфсизлигини таъминловчи тўсиқ ўрнатиш ишларини бажаришни зиммамизга олганмиз. «Хазора» бозори шундоқ йўлнинг ёнида жойлашган. Пиёдалар қатнови анча кўп. Шу боис ерости йўли қурилиб, йўлнинг ўртасига 2 метр баландликдаги темир панжара ҳам ўрнатилади.

«Самавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси буёдкорлик ишларидан аҳоли мамнун. Ким билан суҳбатда бўлманг, аҳолига яратиб берилаётган қулайликдан мамнун эканлигини айтади.

Зеро, йўл солмоқ, кўприк қурмоқни халқимиз савоб деб билади.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ўтмишга назар солсангиз, жуда кўп раҳбару раҳнамо шоир бўлган. Улар бош бўлган гўшада адолат ҳукм сурган.*

**Маънавият**

# АДОЛАТГА МУҲАББАТ

Бир кун Тошкентдан қўнғироқ бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид Қашқадарёга хизмат сафари билан келаётганини айтиб, бизни вилоят суди биноси олдида кутгин, деди. Ажабландим. Нега энди суд биноси олдида?..

Биз ўша ерда учрашдик. У ёлғиз эмас эди, ёнида бир қатор ижодкорлар...

— Ғуломбой, — деди шоир. — Қашқадарёда ижод аҳли билан учрашув Холмуҳаммад Ҳасан маҳкамасидан бошланади. Билмасанг, билиб қўй!

Уларни суд биноси ёнида судьялар қучоқ очиб қарши олишди. Постда турган милиция ходимлари ҳам мулозамат кўрсатишиб, илиқ кутиб олишди. Мен ҳам улар қаторига қўшилдим.

Бизни вилоят суди раиси Холмуҳаммад Ҳасанов кутиб олди. Бинонинг иккинчи қаватига кўтарилдик.

— Дўстлар, дастлаб бизнинг энг катта бойлигимиз — муҳаббатимиз жамланган маънавият тарғиботи хонамизга ташриф буюрсангизлар! — деди Холмуҳаммад Ҳасанов. Мен унинг чеҳрасида ғурур акс этганини кўрдим.

— Талабалик давридаёқ хорижлик олимлар, файласуфлар, ўзимизнинг классик шоирларимиз ва алломаларимизнинг адолат ҳақидаги ибратли сўзларини, насиҳатлари-ю фалсафий мушоҳадаларга бой байтларини йиғишни одат қилганман, — деди у. Сўнг маънавият тарғиботи хонасида жамланган манбалар ва ҳужжатлар билан бизларни таништирди. — Бугунги кунда улар асқотаяпти.

Ҳар кун иш бошлашдан аввал судьяларимиз билан бу ерда тўпланамиз. Ушбу масканда ўзимизга куч, билим йиғамиз. Ибратли сўзлару шоирлар ижодидан қалбимизга меҳр-шавқат инади, муҳаббат туйғуси мавжланади.

Меҳмонлар мезбонлар ишидан завқ туйишди. Шоирлардан бири ҳамманинг диққатини жалб этиб, Алишер Навоий байтини ўқиди:

**Агар шогирд шайхулислом, агар қозидир,**
**Агар устоз андин рози Тангри розидур.**

Учинчи бурчакда Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг бронза бюсти.

Шоирлар, адабиёт аҳли маънавият тарғиботи хонасидаги ҳикматли битикларни, классик байтларни, улуғ донишмандларнинг одил суд ҳақидаги ибратли сўзларини, Республика Конституцияси, Жиноят кодекси ва «Судлар тўғрисида»ги Қонун моддаларини кўздан кечиришди.

Немис олими Лихтенберг: «Жазо беришдан аввал ҳар доим гуноҳидан ўтишнинг иложи йўқмикан, дея ўйлаб кўриш керак!» деган экан.

— Маънавият тарғиботи хонасини келгусида янада кенгайтириш, янги-янги бўлимлар, асарлар ва маълумотлар билан бойитиш ниятидамиз, — дейди Х. Ҳасанов.

Хона тўрида Президент Ислом Каримов асарлари. Суд ислоҳотига оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар. Кўргазма ва муҳим саналар қайди.

«Руҳ — шамол кабидир. Агар хушбўй нарсаларнинг устидан эсиб ўтса, ҳиди ҳам хушбўй бўлади ва ёки аксинча!..», — деб ёзган эди Саидо Жазарий.

Ҳақиқатдан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида юз бераётган бугунги ижобий ўзгаришлар Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётир. Зотан, ислоҳотларнинг мазмун ва моҳияти ҳам адолат тамойилларига асосланган демократик-ҳуқуқий жамият қуришдан иборатдир.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди фаолиятида ҳам инсон манфаатларига асосланган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашдек эзгу мақсадлар мужассамлашганлигини, адолатга ҳурмат ва ихлосни ҳис қиласиз.

— Қани энди, ҳар бир манзилда, ҳар бир ташкилоту корхонада маънавиятимизни тарғиб қилувчи худди шундай маънавият тарғиботи хоналари ташкил этилса, — дейди сурхондарёлик шоир Нажмиддин Мирзо. — Нур устига нур бўлар эди! Ҳар қадамда мустақил Ватан туйғусини, фахр ва ғурур ҳисларини онгимизга михлаб, муҳрлаб бораверсак...

— Ҳар ҳафтанинг жума куни бу ерда маънавият дарси ташкил этилган, — дейди суд мажлиси котиби Бекзод Суюнов. — Судьялар ва суд ходимлари соҳа янгиликлари, жаҳон оммавий ахборот воситаларидан ҳамда интернет тармоғидан олинган янги хабарлардан воқиф бўладилар. Шунингдек, мамлакатимизнинг янги қабул қилинган қонунлари, Президентимиз фармонлари ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда суд соҳасидаги ҳафталик янгиликлар таҳлил қилинади.

Албатта, ҳар бир инсоннинг эзгу ишлари замирида ўз Ватанига, ўз халқига муҳаббати мужассам бўлади. Қалб кўзи эса адолатга, ҳақиқатга муҳаббат билан боқади...

**Ғулом АБДИЕВ,**
**журналист.**

## 1962 ЙИЛГИ РЕЗОЛЮЦИЯ
### бекор қилинди



Гондурасда бўлиб ўтган Америка давлатлари ташкилоти бош ассамблеясининг 39-сессиясида 1962 йили АҚШ босими остида қабул қилинган Кубани ташкилот аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги резолюция бир овоздан бекор қилинди.

Ўшанда, яъни «совуқ уруш» ҳолати авжга чиққан пайтда Кубанинг собиқ совет давлати ва Хитой коммунистик мамлакати билан яқинлашуви уни ташкилот аъзолигидан чиқариб юборишга сабаб бўлганди.

AFP АА маълум қилишича, бу резолюциянинг бекор қилиниши Кубанинг ташкилотга аъзо бўлишини англатмайди. Аъзо бўлиб кириш Кубанинг ихтиёрида. Аммо Куба маъмурияти бу ташкилотга аъзо бўлиб киришга қизиқиши йўқлиги ҳақида аввалроқ маълум қилган эди.

Америка давлатлари ташкилотига 1948 йил апрелда Панамерика иттифоқи негизида асос солинган. Унга 34 та давлат аъзо. 1971 йили доимий кузатув институти таъсис этилган. Бугунги кунда ЕИга аъзо мамлакатлар ва 51 та давлат кузатувчилик қилиш ҳуқуқига эга.




## ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР
### 50 йилдан сўнг тикланди

Сальвадор ва Кубанинг расмий вакиллари икки давлат ўртасида дипломатик алоқаларни тиклаш тўғрисида ҳужжат имзоладилар, дея хабар беради AFP АА.

Шу йил март ойида Сальвадор президентлигига сайланган Маурисио Фунес бу борада ташаббус кўрсатди.

Маълумки, 1959 йили Куба ҳокимияти тепасига Фидел Кастро келиши муносабати билан Сальвадор Куба билан дипломатик алоқани узган эди.

Шундай қилиб, Сальвадор Лотин Америкаси давлатлари ичида Куба билан дипломатик алоқани тиклаган охирги давлат бўлди. Март ойида Коста-Рика ҳам Куба билан алоқани қайта ўрнатган.

## ДЕЯРЛИ 20 МИНГ КИШИ
### хасталикка чалинган

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, A/H1N1 гриппи вирусига чалинганлар сони бугунги кунда дунё бўйича 19273 кишига етди. 66 та мамлакатга тарқалиб улгурган ушбу касаллик туфайли 117 киши ҳаётдан кўз юмди.

ИТАР-ТАСС хабарига кўра, лаборатория текширувларида тасдиқланиб, касаллиги қайд этилганларнинг ярми, АҚШ фуқароларидир.

## ГАЖК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

объявляет тендер N 6, 2009 года
на приобретение технологического оборудования по нижеследующим лотам согласно графика поставки
(3-4 квартал 2009 года).

*Лот №1. Вагономоечная станция для помывки пассажирских вагонов в количестве 1 единицы.*

*Лот №2. Дробильная установка в количестве 1 единицы.*

**За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410**

**Телефоны: 237-94-72, 237-96-33.**




*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!*

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ «ФАРҒОНА» АЭРОПОРТИ

*«Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги «Фарғона» аэропорти аэровокзалини реконструкциялаш» ҚМИга* объекти бўйича «Ўзбекистон овози» газетасининг 2009 йил 5 май, 55-сонида берилган эълон қуйидаги ўзгартиришлар инобатга олинган ҳолда ўқилишини маълум қилади:

«Бошланғич нархи — 1695,668 млн. сўм ҚҚСсиз ва 2034,802 млн.сўм ҚҚС билан.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатгача.

Таклифлар (оферталар) очилиши 12 июнь соат 10.00 да Фарғона шаҳри, Ҳасанов кўчаси, 16-уй, «Фарғона» аэропорти биносида ўтказилади».

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!*

## АМУ – ҚАШҚАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

**қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича**

**ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Қашқадарё вилояти Қарши ва Касби туманларидаги тик дренаж (100 та) қудуқларини таъмирлаш ва тиклаш.**

*Қурилишни тугаллаш муддати — 150 кун.*

*Бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 653.059.204 сўм.*

***Буюртмачи** — Аму — Қашқадарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.*

***Манзили** — Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Гидроузел қўрғони.*

***Телефон: (8-375) 226-01-78, 780-85-24, (8-371) 141-65-24.***

*Қурилиш ишлари буюртмачига Молия вазирлиги қошидаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.*

***Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:***

*етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва ишончли бўлиши шарт.*

*Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларини бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.*

***Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси:** Қарши шаҳри, Ҳонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.*

***Тел/факс: (8-375) 224-05-24.***

*Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.*

*Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.*

*Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 13 кунгача сотиб олиш мумкин.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.*

**Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.**

## «POYTAXT AUKSION» DAVLAT UNITAR KORXONASI

*2009 yil 9 iyul kuni o'tkaziladigan tanlov savdolariga*

Toshkent shahar xokimligi Binolardan foydalanish departamenti tasarrufidagi Toshkent shahar, Sergeli tumani, Choshtepa 11-berk ko'chasi, 7-uy manzilida joylashgan umumiy maydoni 871 kv.metrga teng sakkizta bino va umumiy maydoni 78 kv.metrga teng beshta inshootlar 245 916 790.5, (ikki yuz qirq besh million to'qqiz yuz o'n olti ming etti yuz to'qson so'm ellik tiyin) boshlang'ich narx bilan qo'yilishini ma'lum qiladi. Ijaraga berilgan umumie er maydoni 6045 kv.m.

Tanlov savdolari talabgorlarining takliflari bildirilgan konvertlarni ochish va savdo o'tkazish soat 16-00da boshlanadi.

Tanlov shartlari:

- eng yuqori sotib olish bahosini taklif etish;
- eng kamida 80 000 000 (sakson million) so'm miqdorida investitsiya kiritish majburiyatini olish;
- yangi ishchi o'rinlarini tashkil etish;
- sotib olish to'lovi va qo'shimcha investitsiya kiritishni qisqa muddatlarda amalga oshirish;
- atrof muxitni obodonlashtirish.

Savdolarda qatnashish uchun to'lanadigan 49 185 000 (qirq to'qqiz million bir yuz sakson besh ming) so'm miqdordagi zakalat puli «POYTAXT AUKSION» davlat unitar korxonasining ATIB «Ipoteka-banki» Shayxontoxur filialidagi FA 00425, STIR 204399967, 20210000004243151002 hisob raqamiga o'matilgan tartibda to'lanadi. Buyurtma qabul qilish savdo boshlanishidan uch soat avval soat 13-00da to'xtatiladi.

Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzulgunga g'adar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi.

Mazkur ob'ektlar yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda shu yilning 23 iyul, 6,20 avgust kunlari o'tkaziladigan savdolarga qo'yiladi.

**Savdolar o'tkaziladigan quyidagi manzildan qo'shimcha ma'lumotlar olish mumkin: 100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shox ko'chasi, 16«A»-uy.**

**Aloqa telefoni 233-23-49,telefaks 233-23-40,elektron pochta R-A_DUK@mail.ru**

# МУМТОЗ САНЪАТ ОБИДАСИ

Тошкентнинг 2200 йиллигига

*Бугун юртимизни истиқлол арафасидаги Ўзбекистон билан қиёслаб бўлмайди. Ҳатто бугун кечаги кунимиздан кескин фарқ қилади.*

*Ўзбекистон ишонч билан келажакка дадил одимламоқда.*

*Қаранг, қанча қўшма корхоналар, илм-маърифат кошоналари, мумтоз санъат обидалари барпо этилди. Яна улар сохта сумбат эмас, балки ҳар куни кишиларга, халқимизга хизмат қилмоқда, маърифат улашмоқда. Ва уларнинг ҳар бирининг бетакрор қурилиш тарихи бор.*

*Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Бош майдонимиз тубдан қайта қурилди. Шу муносабат билан унга туташ ҳудудда ҳам буюк ва бетимсол ишлар қилинди. «Туркистон» саройи, Бизнес маркази, Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи каби бири биридан кўркам ансамбллар бунёд этилди.*

*Бугун биз шулардан бири ҳақида ҳикоя қиламиз...*

Агар, ёдингизда бўлса, аввал бу ерда, Эзгулик аркасининг рўпарасида жуда кўримсиз бир бино бўлиб, унда Навоий номидаги Миллий кутубхона жамғармаси сақланар эди. Қулай-қулай деб турган совуқ ва кўримсиз бу иморат метродан чиқар жойда сўппайиб, марказ чиройини бузиб турарди.

Мана шу жойда жуда кўркам янги кошона — Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси бунёд этилди.

Шарқона меъморий анъаналарни замонавий жилолар билан уйғунлаштирган бу санъат саройи улуғвор пештоқини кўтариб турган ўттиз икки муаззам устуни, деворининг кўнгилни очувчи ранги, кўрку салобати билан ўтаётган ҳар бир йўловчи эътиборини ўзига жалб этади.

— Бу галереянинг тарихи жуда узоқ, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов. — 1994 йили Президент Ислом Каримов, тенгсиз миллий бойликларимиз шунча талон-торож қилингани етар, энди бунга йўл қўйиб бўлмайди, деб жуда олижаноб бир ишни бошлаб берган. У кишининг раҳнамолигида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки беқиёс бадиий меросимизнинг ўлмас намуналарини, замонавий тасвирий санъат асарларини йиғиб, уларни тарғиб этиш ва жаҳон маданияти дурдоналари қаторидан ўрин олиши учун кенг кўламли амалий ишлар қила бошлади. Шу тариқа, ўша йилнинг октябрь ойида Миллий банк таркибида Картиналар галереяси юзага келди. Галерея коллекцияси уч юзга яқин нафис санъатнинг мумтоз намуналаридан ташкил топган эди. Ҳадемай бу асарлар сони мингтадан ошиб кетди.

Бу галерея мунтазам бойиб бораётган тасвирий санъат асарлари хазинасидир. Саралаб йиғилган бу бебаҳо бойлик ўтган асрнинг бошларида яратилган ўлмас санъат намуналаридан тортиб, истеъдодли ёш мусаввирларимиз куни кеча ишлаган ва ҳали бўёқ ҳиди келиб турган асл картиналаргача қамраб олган.

Бу ноёб асарлар нафақат тасвирий санъат оламидаги ранг-барангликни, балки бутун бир тарихни, халқимиз ҳаётини ва унинг асрий армонларини, эзгу орзу-интилишларини ўзида намоён этади. Шу билан бирга, бу ерда академик Эдвард Ртвеладзе раҳбарлигида нумизматика — ноёб тангалар бўлими ҳам изчил фаолият юритади.

Мана шу маънавий хазинани асраб-авайлаш ва тасвирий санъат жавоҳирларини халқимизга тақдим этиш учун ҳар жиҳатдан муносиб бўлган санъат саройи барпо этиш зарур эди, албатта.

Давлатимиз раҳбари пойтахтнинг Бош майдони мазмун-моҳияти ва меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, унга миллий руҳ бериш ва уни халқимиз, Ватанимиз озодлиги тимсолига айлантириш ҳақида ўйлар экан, Мустақиллик метросидан чиқиш жойда, ҳали биз айтган бино ўрнида Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси барпо этишга қарор қилади.

— Давлатимиз раҳбари ушбу кошона чинакам санъат обидаси бўлиб, у Бош майдонимизга чирой бағишлаб туриши лозимлигини таъкидлади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев. — Ўшанда Ислом Абдуғаниевич тасвирий санъат галереяси жаҳондаги энг афзал тажрибаларни ўзида мужассам этгани ҳолда миллий меъморий анъаналаримиз асосида яратилиши, иншоот ўзига хос ва бетакрор бўлиб, наинки ички маҳобати, мазмун-моҳияти, балки ташқи жозибаси билан ҳам ҳар бир инсонни бағрига чорлаб туриши лозимлигини алоҳида уқтирди. Ва бўлажак галереянинг кўриниши, шаклу шамойили, кўпдан-кўп заллари ва уларнинг безатилиши ҳақида ҳар биримизда аниқ-равшан тасаввур уйғотди.



Юртбошимизнинг тавсияси билан мутахассислар Россия Федерацияси, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Италиядаги машҳур галереяларни бориб кўришди, улардаги ибратли ва афзал жиҳатларни ўрганиб қайтишди. Бундан мақсад — Шарқ ва Ғарб тажрибасини уйғунлаштириб, бўлғуси кошона ҳар жиҳатдан тенгсиз ва беқиёс бўлишига эришиш эди, албатта.

Галерея лойиҳаси тайёр бўлгач, Ислом Абдуғаниевич уни атрофлича кўриб, яна жуда муҳим ва ўта амалий таклифлар айтди, жиддий ўзгартишлар киритди. Шу асосда лойиҳа бундан-да бойитилди. Кейин яна етти марта лойиҳа давлатимиз раҳбари назаридан ўтди, қайта-қайта ишланди, такомиллаштирилди, хуллас, шу тариқа ушбу кўркам обиданинг асоси, пойдевори яратилди.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси биноси мустақиллигимизнинг ўн уч йиллик байрами арафасида иш бошлади. Ўша қувончли кунларда унинг тантанали тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Сиз улуғвор эшикдан шинам даҳлизга, ундан кенг ва ҳаволи марказий залга кирсангиз, дафъатан унинг маҳобатидан ҳайратга тушасиз. Ғоят муҳташам, нафис ва ораста бу залга киришингиз билан ташқи оламни унутасиз ва чинакам санъат дунёсида яшай бошлайсиз.

— Бугунги кунга келиб, галерея кўргазмалар марказига айланди, десак, хато бўлмайди, — деб ҳикоя қилади директор ўринбосари Раҳима Азимхўжаева. — Марказда ўн бешта зал бўлиб, бир вақтнинг ўзида, бир ой давомида уч-тўрт кўргазма намойиш этилади, шу мавзуга оид таҳлилий суҳбатлар ўтказилади.

Нима қилсак, галереядан одамларнинг қадами узилмайди, кўпчилик санъатдан баҳраманд бўлади ва етарли озиқ олади деган мақсаддаги саъй-ҳаракатимиз туфайли галереяга келувчилар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда...

Ҳақиқатан ҳам шундай. Мавзулар ранг-баранг. Мисол учун, Халқаро болалар кунига бағишлаб ўтказилган «Менинг момиқ мушукчам» тадбири, шу муносабат билан ташкил этилган болалар асарлари кўргазмасини эсга олайлик. Унга 21- ва 24-Меҳрибонлик уйлари, «SANVIKT» ногирон болалар илмий-тадқиқот маркази ва «Опа-сингиллар» ногирон аёллар бирлашмасининг Қибрай бўлими болалари таклиф қилинди. Тадбирда болаларнинг ўнлаб бадиий студиялари, ҳатто украин, белорус ва арман маданият марказлари қошидаги шундай студия аъзолари ўз санъатларини намойиш этишди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Галереянинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар, Гёте институти, Тараққиёт ва ҳамкорлик Швейцария бюроси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва бошқа маърифий ташкилотлар билан изчил ҳамкорлиги унинг имконият доирасини кенгайтириб, ўзбек тасвирий санъати дурдоналарини чет элларда тарғиб қилишга ва хориж тасвирий санъат намуналари билан ватандошларимиз танишиб, баҳраманд бўлишига катта йўл очмоқда. Айниқса, Гёте институти билан бирга, Макс Эрнст, Вольс, Герхард Рихтер, Дитрих Хоффмайстер каби жаҳонга машҳур немис рассомлари, чех Альфонс Мух, Буюк британиялик Кит Блинко, америкалик Гуля Хабер, Филипп Хабер, туркиялик Холи Арпачи ўғли кўргазмалари ташкил этилиши, уларнинг ҳаёти ва ижодига оид ҳужжатли фильмлар намойиш этилиб, илмий музокаралар ўтказилиши таҳсинга сазовордир.

Бунинг аҳамиятини билмоқ учун бир мисолни кўриб ўтайлик. Галереяда забардаст немис мусаввири Дитрих Хоффмайстер асарлари кўргазмаси очилди, жаҳон тасвирий санъати дурдоналари бўлмиш йигирма етти асари, шу билан бирга, унинг ижоди ҳақида кенг тушунча берувчи видеофильм намойиш этилди. Тадбирда машҳур мўйқалам устаси Дитрих Хоффмайстернинг ўзи ҳам иштирок этди, ўзбекистонлик мусаввирлар билан ижодий суҳбатлар қилди.

Галереяда таниқли мусаввир Алишер Мирзаев, Азамат Ҳотамов, Владимир Ким, Комилжон Бобоев, Рустам Худойберганов каби кўпдан-кўп мўйқалам соҳибларининг шахсий кўргазмалари намойиш этилиб, улар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Шунингдек, бу ерда «Болалар ижодиёти» студияси мунтазам фаолият юритади...

«Халқаро миқёсдаги санъатшунослик маркази ва ундаги бебаҳо санъат асарлари кишида унутилмас таассурот қолдиради. Мен ғоятда миннатдорман», деб ёзади «Таассуротлар китоби»га Бельгиянинг Кортрейк шаҳри бургомистири Стефан де Клерк. Белоруссиялик давлат арбоби Сергей Седорский эса ўз таассуротларини қуйидагича баён этади: «Ўзбек халқининг бетакрор санъат асарларидан баҳраманд бўлганимдан бахтиёрман. Уларда орзу-ҳавасли халқнинг покиза ҳаёти, қуёшли юртнинг жозибали манзаралари мўйқалам усталарининг қайноқ муҳаббатига йўғрилган ҳолда теран ифода этилган.

Санъатни қадрлаб, эъзозлаб, дунёда ўхшаши йўқ мана шундай яна бир санъат обидаси барпо этган нозиктаъб халққа ҳар қанча тасанно айтса арзийди».

**Ғаффор ҲОТАМ**

«Келажак овози – 2009»

# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

Танлов бу йил тўрт номинация – архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари ва рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат ҳамда адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўтказилмоқда. Туман ва шаҳарлардан сараланган иштирокчиларнинг 700 дан зиёд ишлари ўрганилди. Тақдим этилган ижод намуналари орасида истиқболли инновацион лойиҳалар салмоқли экани қувонарлидир.

– «Келажак овози» кўрик-танлови биз, ёшларнинг қобилият ва салоҳиятимизни намоён этишда муҳим ўрин тутмоқда, – дейди танловда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш лойиҳаси бўйича ғолиб чиққан Жиззах давлат педагогика институти талабаси Жамшид Абдуназаров. – Мен ушбу лойиҳани ишлаб чиқишда жуда кўп ўқиб, ўргандим. Изланишларим ўз самарасини берганидан мамнунман.

Кўрик-танлов якунига кўра, 13 иштирокчининг лойиҳа ва ишланмалари мамлакат босқичига тавсия этилди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Спорт

# ЎЗБЕК ПОЛВОНЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ



Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакат Самбо федерацияси томонидан ташкил этилган самбо бўйича Осиё очиқ чемпионатида ҳамюртларимиз жами йигирма саккизта олтин медални қўлга киритди.

Йигирмадан зиёд мамлакатдан келган беш юз нафарга яқин спортчи иштирок этган мусобақа қатнашчилари орасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорларининг кўплиги беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади. Эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда А.Қурбонов, Д.Мухидов, Ш.Жўраев, Ш.Назарова, Ў.Рўзметова, Н.Давлатова, С.Эштемирова ҳамда Д.Қамбарова терма жамоамиз ҳисобига олтин медаль келтирди.

1989-1990 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги беллашувларда ҳам ёш спортчиларимиз кучли самбочилардан таркиб топган Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Мўғулистон каби мамлакатлар терма жамоалари билан муносиб рақобатлашди. Ушбу ёш тоифасида гиламга чиққан Б.Ҳайдаров, С.Азимов, Ф.Шарипов, Д.Абдураҳимова, Ш.Сафарова, Д.Доноева, Д.Убайдуллаева ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

1991-1992 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасидаги чемпионат мамлакатимизда истеъдодли ва келажаги порлоқ самбочилар тарбияланаётганини кўрсатди. Айниқса, оғир вазнли полвонлар баҳсида ғолиб чиққан Шоҳруҳ Қўчқоровнинг маҳорати мухлису мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

– Эндиги мақсадим – жаҳон чемпионатларида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, – дейди Ш.Қўчқоров.

Шунингдек, 17-18 ёшли самбочилардан таркиб топган мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларидан Д.Хороев, С.Эрназаров, У.Раҳмонов, Н.Йўлдошева, Ф.Султонова, Ш.Йўлдошева ҳамда Н.Рўзибоева ҳам олтин медални қўлга киритди.

Осиё очиқ чемпионатининг жанговар самбо баҳслари ҳам кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Тўққизта вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда энг кўп – бешта олтин медаль ўзбекистонлик самбо усталари Қ.Султонов, Ж.Азизов, Э.Ғуломов, Ш.Назаров ва М.Ражабовга насиб этди.

Шунингдек, Осиё очиқ чемпионатида Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғулистон ва Сурия терма жамоалари самбочилари ҳам олтин медаллар соҳиблари бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Миржалол ҚОСИМОВ:

# «ФАҚАТ ҒАЛАБА УЧУН КУРАШАМИЗ»





Бугун 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичининг Осиё минтақасида навбатдаги учрашувлари ўтказилади. Унда мусобақанинг «А» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз майдонида Япония футболчиларини қабул қилади. Миржалол Қосимов бош мураббийлик қилаётган мамлакатимиз терма жамоаси 29 майдан буён Тошкентда ўқув-машғулот йиғини ташкил этаётганлигини хабар қилгандик. Йиғин давомида Босния ва Герцеговина терма жамоаси билан ўртоқлик назорат ўйини ўтказилиб, унда ҳисоб очилмаганди.



Япония терма жамоаси бу муҳим ўйин олдидан Токиода ўтказилган «Кирин кубоги» халқаро турнирида Бельгия ҳамда Чили футболчилари билан ўзаро куч синашди. Эътиборлиси, ҳар икки учрашувда ҳам кунчиқар юрт вакиллари бир хил — 4:0 ҳисобида зафар қучишди.

Кеча пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ҳар иккала терма жамоа бош мураббийлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

— Ўзбекистон футболчилари жиддий рақиблардан бири, — деди Япония терма жамоаси бош мураббийи Такеши Окада. — Гарчи, бугунгача бу икки жамоа ўзаро етти марта рўбарў келиб, шунинг бештасида вакилларимиз ғалаба қозонган бўлсада, ўзбекистонликларга қарши осон ўйин бўлмайди. Улар ўтган йилнинг кузида Сайтамада биз билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаганликлари ҳам бежиз эмас. Рақибимиздан ҳар қандай «сюрприз»ни кутиш мумкин.

Бу ўйинда вакилларимиздан фақат ғалаба қозонишлари талаб этилади. Аксинча бўлса, Миржалол Қосимов шогирдлари жаҳон чемпионати финал босқичи йўлланмаси учун курашни давом эттира олишмайди.

— Йигитларимизнинг кайфияти аъло, улар фақат ғалаба иштиёқида ёнишмоқда, — деди бош мураббий Миржалол Қосимов. — Машғулотларга йигирма беш нафар футболчини жалб этгандик. Улардан Артём Филипосян («Насаф»), шунингдек, бетоблиги туфайли Марат Бикмаев («Спартак» Нальчик, Россия)ларга жавоб бердик. Япония терма жамоасига қарши майдонга чиқадиган таркиб рўйхатидан ўн саккиз футболчи жой олади. Улар эса қолган йигирма уч нафар номзод орасидан танлаб олинади. Биз ўз майдонимизда ўйнаймиз. Шу боис, мухлисларимизга қувонч ҳадя этиш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

Бу учрашувни кузатиш учун юртимизга уч юз нафарга яқин япониялик спорт журналисти ташриф буюрган. ЎФФ матбуот хизмати ташаббуси билан кеча улар ҳамда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз ўртасида ўртоқлик ўйини ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

**Шаҳризода ҒУЛОМЖОНОВА**

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси Норгул Мустафоқуловага онаси **МАЪҚУЛ ая**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали режиссёри **Сайдулло НАРЗУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.
**Бир гуруҳ дўстлари**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
13339 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.20
Topshirilgan vaqti — 00.50
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda